

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар



Ушбу суҳбатда вилоят ташқи меҳнат миграцияси бошлиғи Х.Эрдонов, Ангор туман “Ишга марҳамат” мономарказ раҳбарияти ходимлари З.Омонов ва И.Тураевлар ҳамда туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази ва Бандликка кўмаклашиш бўлими ходимлари ҳамда 50 дан ортиқ тумандаги ишсиз фуқаролар иштирок этди.

Тумандаги ишсиз фуқаролардан 4 нафари Литва давлатига ҳайдовчи мутахассислиги бўйича ҳамда Германия давлатида меҳмонхона ишчиси, ресторан хизматчиси, ресторанда тадбирларни ўтказиш бўйича мутахассис, ошпаз ва ошпаз ёрдамчиси касблари бўйича ишга боришни хоҳловчи 20 дан ортиқ 18 ёшдан 39 ёшгача бўлганлар немис тилини ўрганиш бўйича Б1 даражадаги сертификат олиш учун ташкил қилинаётган тил ўргатиш курсига ўқиш истагини билдирди.